

## VIII. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

**Юк ташиш.** Автомобиль транспортида 21,4 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 4,0 % га кўпдир. Юк айланмаси 392,6 млн.тн-км.га етди ва 7,2 % ни ташкил этди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 101,9 % га кўпайди ва 106,8 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 27,2 % ни ташкил этди (2018 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 28,6 %).

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг юк ташиш бўйича улуши 95,7 %ни ташкил этган.

### Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича ифодаланиши

	2019 йил январь- сентябрь	2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан, % да
--	---------------------------------	--

Ташилган юк, млн. тн	21,4	104,0
----------------------	------	-------

шу жумладан:

Автомобил транспортида	21,4	104,0
------------------------	------	-------

Юк айланмаси, млн. тн-км	392,6	107,2
--------------------------	-------	-------

шу жумладан:

Автомобил транспортида	392,6	107,2
------------------------	-------	-------

**Йўловчи ташиш.** 2019 йил январь-сентябрь ойларида барча транспорт турлари томонидан 358,2 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,3 % га кўпайган.

### **Йирик корхоналар бўйича:**

Вилоятда кузатилаётган даврда автотранспорт иши бўйича ҳажмли корхоналар сони 40 тани ташкил этиб, улар томонидан қуйидаги асосий кўрсаткичлар шаклланди:

**Ташилган юклар** ҳажми 0,9 млн.тонна, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 91,9 % ни ташкил этди (жами вилоятда ташилган юклар ҳажмидаги улуши 4,3 %);

**Юк айланмаси** ҳажми 30,0 млн. тн-км, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 80,3 %ни ташкил этди (жами вилоят юк айланмаси ҳажмидаги улуши 7,6 %);

**Ташилган йўловчилар** ҳажми 12,5 млн. йўловчи, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 156,9 %ни ташкил этди (жами вилоятда ташилган йўловчилар ҳажмидаги улуши 3,5 %);

**Йўловчи айланмаси** ҳажми 209,5 млн. йўловчи-км, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 165,2 %ни ташкил этди (жами вилоят йўловчи айланмаси ҳажмидаги улуши 3,1 %).

Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 104,1 %га кўпайиб, 6 779,8 млн. йўловчи-км ни ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг йўловчи ташиш бўйича улуши 96,5 %ни ташкил этган.

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 101,9 % га кўпайди ва 6 044,2 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 89,1 % ни ташкил этди (2018 йил январь-сентябрь ойларида 91,0 %).